



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 19 октябрь, шанба

• №83 (11.471)

• Эркин нарҳда сотилади

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош котиби Кофи Аннан раҳбарлигидаги делегация 18 октябрь кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

– Ўзбекистон БМТ ҳамда унинг барча институтлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, – деди жумладан, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов юксак меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. – Ўзбекистонда БМТнинг кўплаб ташкилотлари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг раҳбарлигингизда мазкур халқаро ташкилотда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотлар БМТнинг обрўсини янада

оширишга хизмат қилади. БМТнинг минтақамизга эътибори йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам таҳсинга сазовордир. – Пойтахтингиз Тошкентни кўриб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлгандан кейин қай даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдик, – деди ушбу ташкилот Бош котиби Кофи Аннан. – Бу ўзгаришлар мамлакатингизда мустақам тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига яққол далилдир. БМТ Ўзбекистоннинг мин-

тақада ва сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ташки сиёсатини ва бу борада халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди.

Сўхбат чоғида меҳмонга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, Парламентимиз фаолияти, хусусан, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Келгусида бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневский 2002 йил 20-23 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истикболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, қатор муҳим битимларни имзолаш режалаштирилмоқда.

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинган кун

ТИЛ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Она тилимизга давлат тили мақоми берилгандан буён ўн уч йил ўтди. Ҳали собиқ Иттифоқ ўз ҳукмини ўтказиб турган 1989 йилда "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши моҳиятан Мустақиллик сари қўйилган илк қадамлардан бири эди.

Ўтган вақт мобайнида Қонун ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимиз миқёсида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Атамашунослик кўмитаси зиммасига ҳам кенг

кўламли вазифалар юкланган эди. Кўмита раиси ўринбосари **Ҳабибулла БЕКТЕМИРОВ** ўза муҳбирига ана шу вазифалар ижроси хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва республикада иқтисодий ислохотлар жараёнини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республика-

си Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов

бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов маърузасида республикада ўтказилаётган ислохотлар иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот (103,0 фоиз), sanoat маҳсулотлари (107,8 фоиз), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (101,7

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР

Бекобод шаҳар маданият ишлари бўлими санъаткорлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Бекобод тумани ширкат хўжаликларида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишмоқда. «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти ва «Бекободсавдо» корхонасининг кўчма дўконлари сотувчилари ҳам пахтакорларга турли савдо-сотиқ хизматларини амалга оширмоқдалар.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Мардлар кўриқлайди Ватанни йигитлар хизматга йўл олишди



Вилоятимиз шаҳар ва туманларидан келган йигитларнинг бир гуруҳи она Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўташ учун ҳарбий хизматга жўнаб кетдилар.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларданок мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳар жиҳатдан такомиллаштирилиб, она Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўтаётган йигитларимиз, зобитларимизга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаяпти.

Айни пайтда армиямизни қайта шакллантириш ва ислоҳ қилиш йўлида талайгина ишлар амалга оширилаётир.

Бу тамойилларнинг ҳаммаси мамлакатимиз тинчлигини

(Давоми 2-бетда).

«AMBULANCE» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Яқинда «Соғлом авлод учун» халқаро хайри жамғармасининг Зангиота туманидаги таянч пункти вилоятнинг «AMBULANCE» шифокорлари билан биргаликда ташкил этган тиббий-ижтимоий гуруҳ шифокорлари бир қатор хайри ишларни амалга оширишди.

Улар тўрт кун мобайнида Бўзсув, Чигатой қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли ва мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларини тиббий кўриқдан ўтказишди. 42 оилага бепул дори-дармон, оналар ва болалар ҳамда қарияларга эса даволанишлари учун марказий шифоналарга йўлланмалар тарқатилди.

Амалий тадбир давомида 453 аҳоли ва 90 нафар боланинг саломатлиги текширилиб, уларга беминнат хизмат кўрсатилди. Мутахассислар турли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш йўллари ҳақида фойдали маслаҳатлар беришди.



AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин.

Севимли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га **2003 йил учун обуна** бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади – Сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

— "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши она тилимизни ривожлантириш, унинг шонли мавқеини тиклаш ва нуфузини оширишда асосий омил бўлди. Қонун ўзбек тилининг барча соҳаларига, шу жумладан, атамашунослик-терминологияга ҳам янги нуқтаи назардан қараш вазифасини юклатди.

Атамақўм ўз Низомида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда иш олиб бормоқда. Аввало, кўмита ташаббуси билан атамаларни тартибга солиш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар мунтазам ташкил этилмоқда. Маълумки, атамаларни тартибга солиш илмий асосда олиб борилмоғи лозим. Ҳар бир соҳа атамашунослигини ўша соҳа олимлари, мутахассисларига яхши билади. Бинобарин, муайян соҳа атамаларини тартибга солишда соҳа олимлари фикри, хулосалари асос бўлади.

Атамақўм турли соҳа мутахассислари билан мунтазам равишда илмий-амалий конференциялар ўтказиб келмоқда. Уларда ҳар бир соҳа бўйича тавсиялар қабул қилинмоқда, бу тавсиялардан соҳада байналмилал атамаларга ўзбекча муқобил танлашда, атамаларни тартибга солишда, луғат тайёрлашда фойдаланилмоқда. Атамаларни тартибга солиш, уларнинг бир хиллигини таъминлаш, пайдо бўлаётган

(Давоми. Боши 1-бетда).

янги-янги тушунчаларга мос сўзлар танлаш кўмитамиз фаолиятининг асосий йўналишидир. Ҳар бир ишнинг меъёри бўлганидек, атамаларни ўзгартиришда ҳам муайян меъёрга, илмий асосларга таяниб иш олиб борилмаса, чалкашликлар рўй бериши, ўринсиз атамалар тилимизга кириб қолиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида шу йил май ойида "Қонун ижодкорлиги ва тил" мавзусида ўтган илмий-амалий семинарда кўмита раиси Одил Ёқубов "Қонун ижодкорлигида атамалар ўрни" мавзусида маъруза билан иштирок этди. Семинарда терминологияга оид бир қанча муаммолар кўтарилди. Шу вақтга қадар "байналмилал терминлар" деб номланиб келаётган атамаларни "ҳалқаро терминлар" деб аташ зарурлиги ва қўлланиши бўйича тавсиялар берилди. Қонунларда атамалар қўлланишидаги ҳар хилликни тугатиш қонун ижодкорлигида катта аҳамиятга эга экани кўрсатилди.

Маълумки, мустақиллик йилларида пайдо бўлаётган турли атамаларнинг мақбул муқобилини танлаш масаласи ҳам ҳозирги даврда долзарб вазифалардан бири. Шу муносабат билан кўмита мутахассислари мамлакатимиздаги кўплаб олий ўқув юрларида тилшуносликнинг муҳим

муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этапти.

Атамаларнинг тўғри қўлланишини назорат этиш соҳасида ҳам бир қанча ишлар бажарилди. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган семинар ана шулардан биридир. Унда кўмита ходимлари теле ва радио эшиттиришларда терминлар қўлланишида йўл қўйилаётган чалкашликлар ҳақида гапирди ва уларнинг тўғри қўлланиши бўйича тавсиялар берди.

Атамақўм томонидан турли фан соҳалари бўйича яратилган атама луғатлари мутахассислар иштирокида муҳокама қилинаётган ва нашрга тавсия этилаётган. Жумладан, шу йилнинг ўзида ўндан зиёд луғат муҳокама этилди. "Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича русча-ўзбекча луғат", "Политология луғати", "Компьютер техникаси бўйича инглизча-русча-ўзбекча луғат", "Қудуқларни бурғилашга оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати", "Маъданлар геологиясига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати", "Солиққа оид атамалар луғати" ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Кўмитамиз ходимлари луғатлар тузишда ҳам фаол иштирок этапти, атамалар бўйича илмий ишлар олиб борапти. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ "Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати", "Мустақиллик даври атамалари" нашрдан чиқди ва китобхонлар қўлига теги.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Тил — маънавият кўзгуси

ИССИҚ НОН ИСИ

«Тошкент — нон шаҳри» масъулияти чекланган жамияти Қибрай туманида янги нон заводини ишга туширди



Замонавий технологиялар билан жиҳозланган бу корхона савдо дўконларига бир кечакундузда 10 тонна иссиқ нон етказиб беради. Айти пайтда 15-20 хил нон маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда. Корхона фойдаланишга топширилиши билан 40 дан ошиқ йигит-қиз ишли бўлди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ёш новвой Жамила Инсавалиева. 2. Новвойхонанинг умумий кўриниши. 3. Новвойлардан Ғолиб Раҳимжонов, Убайдулла Носиров ва Феруза Шерматова тайёр нон сифатини кўздан кечиришяпти.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

фоиз), чакана товар айланishi (103,6 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш (112,0 фоиз) бўйича ўсиш имконини берганлиги таъкидланди. Давлат мулкчилик улусига эга зарар кўриб ишлаётган, тўловга лаёқатсиз ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш, уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш, акционерлаштириш ва қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалга оширилмоқда. Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланishiни қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятдан ташаётган даромадларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан яширишнинг олдини олишга оид тадбирлар ҳам амалга оширилаётган. Валюта сиёсати, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди.

Шу билан бирга мажлисда соҳа тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятидан яхши фойдаланилмаётгани қайд этилди. Хорижий инвестицияга эга айрим корхоналар самарасиз фаолият юритмоқда. Корхоналарнинг айланма маблағларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бошқа мақсадларга жалб қилиш давом этмоқда. Савдо хизмати истеъмолчилар талаблари суръатидан орқанда қолмоқда, рақобатбардош сифатга эга истеъмол товарлари турлари етарли даражада эмас.

Хукумат мажлисида республика иқтисодиёти соҳалари ва ҳудудларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш аҳоли тўғрисидаги масала алоҳида кўриб чиқилди, танқидий нуқтаи назардан баҳоланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, "Ўзбекнефтогаз", "Ўзнефтомаҳсулот" компаниялари, "Кўмир" акционерлик бирлашмаси томонидан sanoat, ижтимоий соҳалар ва аҳолини суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан таъминлаш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилмаган. Халқ таълими тизимида мактаблар кўмир билан - 71 фоиз, суюқ ёқилғи билан - 32 фоизга таъминланган бўлса, соғлиқни сақлаш муассасаларида бу кўрсаткич 39 фоизга тенг.

Мажлисда 2002 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, 2003 йилги бошоқли дон экинлари ҳосили учун кузги-қишқи агротехник тадбирларни амалга оширишнинг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" ва "Ўзагрошарвис" уюшмалари, "Ўздонмаҳсулот" давлат корпорациясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги иқтисодий ислохотлар жараёнини ўрганиш вақтида берилган топшириқларни бажариш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, пахта йиғим-терими, шולי ўрими ва 2003 йилги бошоқли дон экинлари ҳосили учун кузги-қишқи агротехник тадбирларни ўтказишни тезроқ тугаллаш юзасидан мавжуд ресурслар ҳамда имкониятларни сафарбар қилиш вазифаси юклатилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).



самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир, тезкор, жанговар, қобилиятли, ҳар томонлама яхши таъминланган Куролли Кучларни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу йилнинг 17 октябрь кунини вилоят қақирув манзилгоҳида 2002 йил кузги қақирувнинг бошланиши муносабати билан ўтказилган тантанали йиғинда ҳам юқоридаги фикрлар қайта-қайта такрорланди.

Тантанали митингни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят қақирув комиссияси раиси Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Анжуманда маъруза қилган вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Шоқир Шамсиев шаҳар ва туманларимиздан ҳарбий хизматга бораётган йигитларимизнинг аксарияти ўз бурчларини садоқат билан бажараётганликларини фахр ва ифтихор билан тилга олди. Ҳар йили ҳарбий қисм ва бўлимлардан вилоят мудофаа бошқармасига, ота-оналарга кўплаб миннатдорчилик мактублари келаётгани ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир, деди нотик.

Бугун ўн саккиз ёшга тўлиб, ўз хизмат бурчинини ўташга чоғланган йигитлар зиммасида жуда катта масъулият турибди. Буни ҳарбий хизматга қақирилаётганлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам чуқур ҳис қилмоқдалар. Йиғилишда сўзга чиққан ангреник қақирилувчи Суннатullo Эрматов, янгийўллик отахон Абдукарим Избосаров, «Аскар онаси» жамоатчилик ташкилоти кўмитаси раиси Лилия Симонян, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нуъмон Насимов ва бошқалар мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз зарурлигини таъкидладилар. Улар ҳарбий хизматга жўнаб кетаётганларга ой бориб, омон

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

қайтинглар, дея тилак билдиришди.

Шу кунини қақирилувчиларга жамоат ташкилотлари, шаҳар, туман ҳокимликлари вакиллари ўз эсдалик совғаларини топширдилар. Вилоят Маданият бошқармасининг баддий жамоалари ихросидаги куй ва қўшиқлар кўнгилларини хушнуд этди.



... Жанговар марш садолари остида саф тортган йигитларимиз шаҳдам қадамлар билан она Ватан олдидаги муқаддас бурчларини адо этиш учун ҳарбий қисмларга йўл олдилар. Бу ёшларимизга Ватан ҳимоясини, юртимиз сарҳадларини, осийишталигимизни ишониб топширса бўлади. Улар халқ ишончини садоқат билан адо этадилар, деган фикр қалбимизни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдириб юборди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
Еркебой БОТИРОВ (суратлар).
«Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари.

СУРАТЛАРДА: вилоят қақирув манзилгоҳида бўлиб ўтган тантанадан лавҳалар.

Халқаро «Экосан» жамғармасининг ташаббуси билан мамлакатимизда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кунлари ўтказиш бир неча йилдан бери давом этмоқда.

Бугун ҳашар

Республика ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган бу тадбир доим умумхалқ ҳашари сифатида нишонланмоқда. Чунки, уни ўтказишдан мақсад мамлакатимиз аҳолиси учун қулай, барқарор атроф-муҳитни барпо этишдир. Шунинг учун ҳам бундай кунларда ҳар гал республикамизнинг 8-9 миллион фуқароси қатнашмоқда. Бу хайрли иш оммавий тус олаётганлигини ва аҳоли бундай шанбаликлар моҳият-мазмунини тобора чуқур тушунаётганлигини кўрсатмоқда. Умумхалқ ҳашарларидан тушган маблағлар она Ватанимизнинг экологик нокулай ҳудудларида яшовчи аҳолига тиббий ёрдамни қўйиштириш, ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга сарфланмоқда.

Бугун уюштирилаётган экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи «Оролбўйи оналарига ва болаларига» шиори остида ўтказилади. Шанбаликда қатнашадиган ишчи-хизматчилар, маҳаллалар аҳолиси, талабалар, барча меҳнатқашлар қишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган ободонлаштириш, таъмирлаш-тиклаш ва бошқа шу каби ишлар билан шуғулланиладилар. Аънаана мувофиқ пахта далаларида меҳнат қилаётганлар учун турли тадбирлар уюштирилади.

Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағ Оролбўйи ҳудудига яшаётган оилалар, оналар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, шунингдек, қариялар йили муносабати билан кекса авлод манфаатларини ҳимоя қилишга ажратилади.

Бугунги умумхалқ ҳашарини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг кун кеча бўлиб ўтган мажлисида шанбаликка тайёргарликнинг бориши, уни уюшқоқлик билан оммавий ва самарали ўтишини таъминлашга алоқадор масалалар муҳокама қилинди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

«ҚОВУНЧИ»:

МАРРАГА БИР ҚАДАМ

Пахта - 2002

Янгийўл туманидаги «Қовунчи» ширкати пудратчилари пахта йигим-теримида юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, шу кунгача йиллик шартнома режасининг 90 фоизидан ошириб хом ашё топширишга эришдилар.

Хўжалик пахтакорлари кўкламги нокулай об-ҳаво оқибатларини бартараф этиш учун тадбиркорлик билан астойдил меҳнат қилдилар. 607 гектар майдоннинг ҳаммасида

тўлиқ кўчат олиниб, парвариш ишлари агротехника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда олиб борилди. Натижада барча пудратчилар даласида режани ортиғи билан қоплайдиган даражада барракали ҳосил этиштирилди.

Бу йилги режага мувофиқ давлатга сотиладиган 1591 тонна пахтанинг 700 тоннаси уруғлик учун қабул қилиниши белгиланган эди. Шунинг билан олиб, хўжалик мутахассислари ҳосили уруғликбоп майдонларни олдиндан белгилаб қўйишди. 21 сентябрдан бошлаб, уруғлик пахтани теришга киришилди.

Йигим-теримда ҳам суръат, ҳам сифат бўлишини таъминлаш, айниқса, уруғлик пахта режасини барвақтроқ бажариб, умумий даромадга барака киритиш мақсадида хўжалик аъзоларидан ташқари меҳнатга яроқли бўш аҳолини қўл теримига жалб этиш чоралари кўрилди. Зеро,

вазият ҳам этиштирилган ҳосилнинг камида 80 фоизини қўлда териш зарурлигини тақозо этарди. Шу боис биринчидан, қўлда терилган пахтанинг ҳар килограммига 30 сўмдан ҳақ тўлашга қарор қилинди. Иккинчидан, хўжаликда режани биринчилар қатори бажарганлар учун рангли телевизор, магнитофон ва радиоплейер каби мукофотлар, энг кўп пахта терган чевар теримчига эса, гилам совға қилинадиган бўлди.


Пудратчи ҳамда йигим-терим иштирокчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида қўлланилган ушбу чора-тадбирлар қўтилган самарани берапти. Аввало, хўжалик йигим-теримда илгорлар сафида бормоқда. Иккинчидан, биринчи теримдаёқ давлатга шартнома режасининг 80 фоизидан ошириб юқори навли хом ашё топширилиб, мавсумнинг муваффақиятли якунланишига замин яратилди. Бундай юксак суръатга эришишда Абдумутал Аноров, Соли Фозилов бош бўлган пудратчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Марат Жакимбетов, Марат Бойқарашев каби илгор пудратчилар эса анчадан бери режага қўшимча хом ашё топширмоқдалар.

Айни кунларда 1500 киши теримда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, туман МТП оператори Қурбон Иброҳимов «КЕЙС» машинасида кунига 20 тоннадан ошириб пахта териб, хўжалик хирмонида барака киритмоқда.

Абдусамад Йўлдошев.

СУРАТЛАРДА: (чандан ўнган) МТП бўлим бошлиғи Абдували Иброҳимов, хўжалик бошқаруви раиси Эраш Музаффаров, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси Йўлдош Холмуродов йигим-терим суръатидан мамнун бўлишмоқда; «КЕЙС» оператори Қурбон Иброҳимов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Тадбир

«УМР» СУҲБАТГА ЧОРЛАДИ

Тошкент туманида «Гулистон», «Шамсиобод» ва «Янги ҳаёт» маҳаллалари учун саломатликни тиклаш бошланғич тиббий-ижтимоий пункти ташкил этилиши лойиҳаси якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди



Мазкур лойиҳа «УМР» фалаж болалар ва ўсмирларга кўмаклашиш Ўзбекистон жамоатчилик маркази бошқаруви раисаси Дилбар Қурбонова тақлифи билан тузилганди. Бундан икки йил муқаддам у хориз сафари пайтида «Франция фалажлари уюшмаси» ташкилотига ташриф буюриб, чет эллик ҳамкасбларнинг кўп йиллик меҳнатлари натижаси ва улар яратган саломатликни тиклаш бошланғич тиббий-ижтимоий пунктлари билан танишган ва уларда даволанаётган ёшу қари ногиронлар муолажасининг самараси ажойиб бўлаётганлигининг гувози бўлганди.

Мазкур тажрибани бизда ҳам қўллаш мақсадида «УМР» жамоатчилик маркази аъзолари Тошкент туманидаги «Гулистон», «Шамсиобод» ва «Янги ҳаёт» маҳаллаларидаги ногирон фарзандлари бор оилалар эҳтиёжларини ўрганиб чиққач, 2001 йил 20 ноябрда ҳокимият, маҳалла қўмиталари, фаоллар, ногирон болаларнинг ота-оналари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Шу тадбир натижасида «Маҳаллалар ташаббусини қўллаб-қувватлаш дастури» лойиҳаси тузилиб, Каунтерпарт Консорциум халқаро ташкилотига тақдим этилди. Шу йилнинг апрель ойида 6 ой муддатга тасдиқланган мазкур лойиҳа мақсади «Гулистон» маҳалласи қошида саломатликни тиклаш бошланғич

тиббий-ижтимоий пункти фаолиятини ташкил этиш, унинг ишига малакали мутахассисларни жалб этиш, бу ерда ногирон болалар саломатлигини тиклашга кўмак-

лашиш, уларнинг ота-оналарини эса, мажруҳлар ҳаракатини энгиллаштирувчи махсус қурилмалардан фойдаланишга ўргатиш, бунинг учун бундай қурилма ва жиҳозлар тайёрлайдиган устaxonалар барпо этишдан иборат эди.

Ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мобайнида юқоридagi уч

маҳалланинг 49 нафар ногирон болалари ўз саломатликларини тиклаш борасида бевосита кўмак ва маслаҳатлар олишди. Саломатликни тиклаш бошланғич тиббий-ижтимоий пункти мазкур лойиҳа бўйича устaxonада тайёрланган махсус мосламалар ва физиотерапевтик ускуналар билан жиҳозланган «Гулистон» ма-

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ёрдам берувчи модда ҳамда препаратлар сабзавот экинларини етиштиришда кенг қўлланилмоқда. Табиий ва синтетик бирикмалар ёрдамида картошка, бодринг, карам, сабзи ва бошқа ўсимликлар уруғларининг унвчанлигини ошириш, кўчатлари сифатини яхшилаш, ривожланиш даврини тезлаштириш, ҳосилдорлигини кўпайтириш мумкин.

Янги препарат

Ўсишни тезлаштирувчи воситалар турини кўпайтириш пахтачилик соҳаси каби сабзавот ўсимликларини етиштиришда ҳам долзарб муаммодир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтида яратилган «Учкун» препарати пахта баргларида олинган экологик тоза воситадир.

Лаборатория тажрибаларида ушбу препаратнинг ўсимликлар унвчанлиги, ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилиши аниқланди. Ундан фойдаланишнинг оддий усули - уруғларни экишдан олдин ивйтиш. ТМК-22 помидор навида тажриба ўтказилиб, ивтилган уруғлар иссиқхонада плёнка остига экилди. Бунда гибберсиб препарати эталон сифатида ишлатилди.

Уруғларга препаратлар билан ишлов бериш тўлиқ унвчанликка эришиш ва уларнинг сифатини оширишга ёрдам берди. Ишлов берилган уруғлардан етиштирилган кўчатлар бўйи, баргларида кўпчилиги билан ажралиб туради. Препарат эритмасида ивтилган уруғлардан етиштирилган ўсимликларда бўйи, гуллари ва меваси сони кўпчилиги кузатилди. Бунда «Учкун» препарати самарадорлиги эталондан катта фарқ қилмади. Ушбу препарат генератив органларнинг пайдо бўлишини тезлаштириб, помидор ҳосилдорлигини оширди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ҳалласидаги пункт негизда ногирон болаларнинг ота-оналари учун «Тажрибали она» ва «Қўли гул ота» мавзулари бўйича бир кунлик иккита семинар ўтказилди.

Лойиҳада кўрсатилган 6 ой ҳам ўтди. Эришилган натижалар якунини кўриб чиқиш учун маҳаллада яна давра суҳбати ташкил этилди. Унга жамоат ташкилотлари, вилоят ва туман ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими туман бўлимлари, қишлоқ врачлик пунктлари вакиллари, пункт ёрдамни олган ногирон болаларнинг ота-оналари тақлиф этилди. Учрашувда қилинган ишларга якун ясалди, пункт ва устaxonанинг келгуси фаолияти режалари белгилаб олинди, мазкур хизмат турига муҳтожлар билан тажриба алмашилди. Энг асосийси, бундай пунктлар ва устaxonалар керак эканлигига ишонч ҳосил қилиниб, уни барпо этишга ҳисса қўшган ташаббускорларга миннатдорчилик билдирилди.

Убайдулла ҲИКМАТОВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар) «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: саломатликни тиклаш бошланғич тиббий-ижтимоий пунктида; давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи.

DUSHANBA 21

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Портрет».
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жабранувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
«Болалар сайёраси»: 12.05 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин

тож». Телевизион ўйин.
13.05 Эстрада тароналари.
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55, 17.00 ТВ анонс.
14.10 «Олтин дала».
Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
14.40 Кундузги сеанс: «Бузоқ йили». Бадий фильм.
15.55 Самбо бўйича Осиё чемпионати.
16.25 «Қалб гаҳари».
16.45 «Тиббиёт одимлари».
17.05 «Бешбармоқ». Тележурнал.
17.50 ТВ клип.
18.10 «Мулк».
18.25 «Тилга эътибор».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.15 «Бир жуфт қўшиқ».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Ватан мадҳи».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.25 «Она тилим - жону дилим». Телекомпозиция.
21.45 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.05 Спорт дастури: 1. XIV Осиё ўйинлари яқунларига доир. 2. Самбо бўйича Осиё чемпионати.
22.55 «Марсия». Телесериал.
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод»

студияси: болалар учун концерт.
10.20 Мультфильм.
10.35 Саломатлик сирлари.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Мусикий лаҳзалар.
11.40 «Доктор Финли». Телесериал.
12.30 «Давр» - news.
12.45 Болалар экрани: «Бор экан-да, йўқ экан».
14.05 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
14.25 Кўҳна оҳанглар.
14.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.25 Спорт ҳафтаномаи.
15.40 «Қушқондан чиққанда». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» почтаси. Она тилим.
17.30 «Покахонтас». Мультсериал. 6-қисм.
17.55 ТВ-анонс.
18.00 Бугуннинг ёшлари.
18.20 Хўқ ва бурч.

18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Белида белбоғи борлар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Мухаббат кўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танафус пайтида-23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 11-қисм.
17.40, 19.15, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.0 «Болажонлар экрани». Мультфильм.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.35 «Моҳият».
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Auto-news».
22.35 Кинонигоҳ. «Катта».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вести».
17.50 «Евроныйос» янгиликлари.
18.00 «Мени куттил».
19.00 «Ким миллионер

булишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 Пласидо Доминго концерти.
21.45 «Аншлаг».
22.30 «Юлдузлар фабрикаси».
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ 16.55 гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «Элен кўзлари». Сериал. 1-серия. 18.55 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Капитан Фракс». 1-серия. 21.05 «Клип-совға». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Блейд». 23.15 «30-канал» да спорт.

SESHANBA 22

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Санъат ошиёни».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулк».
10.20 «Осмондан тушган мерос». Бадий фильм.
11.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
12.05 Софокл. «Электра». Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
13.35 «Олам». Телеальманах.

14.10 «Париси бор уй».
14.30 Кундузги сеанс: «Кечиролсанг, кечир мени». Бадий фильм.
Спорт дастури: 15.50 1. XIV Осиё ўйинлари яқунларига доир. 2. Самбо бўйича Осиё чемпионати.
16.40 Мусикий танафус.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Қалқон».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».

21.30 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал. премьераси.
22.00 «Ёвузлик исқанжасида».
22.20 XIV Осиё ўйинлари яқунларига доир.
22.40 «Мувозанат».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси. Она тилим.
9.45 «Покахонтас». Мультсериал. 6-қисм.
10.10 Мусикий лаҳзалар.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 Кинотаждим.
11.20 Жаҳон жуғрофияси.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 «Доктор Финли». Телесериал.
13.20 Белида белбоғи

борлар.
13.40 Интерфутбол.
15.20 Кўҳна оҳанглар.
15.30 «Гургутга кетиб». Бадий фильм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Кичкинтой театри».
17.35 «Покахонтас». Мультсериал. 7-қисм.
18.00 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.15 ТВ-анонс.
18.20 Автопатруль.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Давр-интервью.
20.05 Марди-майдон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.
21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».
23.35 Давр.
23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 12-қисм.
17.40, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 Болажонлар экрани. «Астериксинг 12 жасорати». 4-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Аёл қалби».
19.30 «Мумтоз наволар».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Туризм ҳақида».

22.45 Кинонигоҳ. «Тарзан» 1-2 қисмлар.
00.45 00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30-8.00
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 «Вести».
17.10 «Евроныйос» янгиликлари.
17.25 Машҳурлар. Вадим Мулерман.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Сўнгги қаҳрамон-2».
20.00 «Время».
20.40 «Орол дарди» бизнинг дардимиз.
21.00 «Икки рояль».
21.45 CFI тақдим этади: «Табиат саргузаштлари».
22.35 «Юлдузлар фабрикаси».
23.00 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
23.10 «Виртуал олам».
23.20 «Ахборот» (рус

тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.00 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Аёл нигоҳи». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 10.50 «Муносиб жуфтлик». Сериал. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 «Домино принципи». 15.50 «30-канал» да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «Элен кўзлари». Сериал. 18.55 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Капитан Фракс». 2-серия. 21.05 «Клип-совға». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Аҳмоғинг йўқ». 23.15 Рестлинг титанлари.

CHORSHANBA 23

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Бухоро - хунарамандлар шаҳри», «Миниатюра - ранг тасвири».
9.20 «Симфоник мусиқа дунёси».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Бинафшаранг шар». Бадий фильм.
11.40 «Моҳиситора» фольклор этнографик ансамблининг концерти.
12.05 «Йўл бошида».
12.25 Болалар учун.
«Фламинго».
12.45 «Баркамол авлод

орзуси».
13.05 ТВ анонс.
13.10 XIV Осиё ўйинлари яқунларига доир.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: «Рақс қироли». Бадий фильм.
15.30 «Оламини асранг!»
15.50 ТВ клип.
16.00 «Ягона оилада».
«Болалар сайёраси»: 16.30 1. «Мактублар - кабутарлар». 2. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
17.30 ТВ клип.
17.40 «Ишонч».
18.10 «Ажаб саодат зрур». Бадий-публицистик кўрсатув.
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 «Ҳаёт қомуси».
19.20 Мусикий танафус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.40 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал. премьераси.
22.10 «Тарих кўзгуси». Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдида. 6-қисм.

Спорт дастури: 22.30 1. XIV Осиё ўйинлари яқунларига доир. 2. «Спорт, спорт, спорт».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Кичкинтой театри».
9.45 «Покахонтас». Мультсериал. 7-қисм.
10.10 Давр-интервью.
10.25 Мусикий лаҳзалар.
10.35 ТВ-анонс.

10.40 «Эсмеральда». Телесериал.
11.10 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.25 Ёшлар овози.
11.45 Саломат бўлинг.
12.05 Болалар экрани: «Олтин қалит».
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
14.10 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.15 Автопатруль.
15.35 «Никоҳ тумори». Бадий фильм. 1-қисм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Ҳар соҳага саяҳат».
17.30 «Покахонтас». Мультсериал. 8-қисм.
17.55 ТВ-анонс.
18.00 Болажон.
18.15 Чемпион сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 Ўзбек мумтоз мусикасидан.
20.15 Очил дастурхон.
20.30 Севги тароналари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танафус пайтида-23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 13-қисм.
17.40, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 Болажонлар экрани».

«Астериксинг 12 жасорати». 5-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 Мусикий мехмонхона.
19.30 «Ҳимоя».
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «ТВ плюс».
22.40 Кинонигоҳ. «Соврин».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30-8.00
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вести».
17.50 «Евроныйос» янгиликлари.
18.00 «Оилавий ришталар». Телеўйин.
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.40 «Форт Баярд».
21.25 «Азиз инсонлар».
21.45 CFI тақдим этади: «Табиат саргузаштлари».
22.35 «Юлдузлар

фабрикаси».
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Мелодрама. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 «Домино принципи». 15.50 «30-канал» да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «Элен кўзлари». Сериал. 18.55 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Жиян, ёки русча бизнес - 2». 21.05 «Клип-совға». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Абадий». 23.15 Спорт дастури.

PAYSHANBA 24

«Ўзбекистон» телеканал

